

АКАСИМИ, УКАСИ?

Физика қонунларидан бирини эсга олиб модданинг йўқдан бор бўлмаслигини инobatта олсак, бир автомобилнинг бир йилда шунча микдорда захарли газ чиқариши учун камида шунча, яъни 25-30 минг тонна бензин ёки бошқа ёқилги керак бўлади. Бу эса ҳар вақтнинг сизими 50 тонналик 500-600 та (!) темир йўл цистернаси дега-нидир. Тасаввурингизга сиздира олдингиз-ми? Мен сиздира олмадим.

2 -бет

Исроил разведкаси генерали

Яқин Шарқдаги жосуслик фаолияти ҳақида
Менинг миссиям ўта махфий эди. Фақатгина ўша худудларни назорат қилиб турган курд етакчиси Мустафо Барзан ва унинг энг яқин одамларига кимлигини билишарди. "Парда ортида" ишлардим. Мен исроиллик ҳам, яҳудий ҳам эмасдим. Мен Европа мамлакатларининг бирда яшовчи ишбилармон эдим. Буни тасдиқловчи пас-портим ҳам бор эди.

3 -бет

Юратимдан бошқа жойга сўтмайман

Томоқларим қуриб кетди — чўллайман,
Ўзи, дилни қай қўлмақда ҳўллайман.
Мен бу галги баҳорни лол этмоқчийдим,
Она, бугун сочингизда гуллаяпман...

4 -бет



Mustaqil gazeta HURRIYAT

1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan Chorshanba kunlari chiqadi E-mail: hurriyat@mail.ru № 32 (494) 2006-yil 16-avgust

Эссе

ВАТАННИНГ МУКОБИЛИ БЎЛМАЙДИ

Ватан қадрини англамаган одамга юрт ишқи неллигини насихату маърузалар орқали ағлатиб бўлмайди. Тўғри, баъзи ҳолларда ушбу мавзудаги махфиятчилик ҳам қулқоқда хуш ёқармайди. Айниқса, қора тегга ботиб бир танобинга ериш оёқ қилмаган, кўчат экиб мевасини табиб кўрмаган, умрини бирор иш қилмай ўтказётган олиф-та кимса лоф урса, эсангиз қотадидан.

бобонинг қўлига ўзи етиштирган кўчатлари ҳисобидан уч юз минг сўм пул тушди.
— Умрим меҳнатда ўтди. Олий маълумотли агрономман. Туман миқёсида раҳбарлик лавозимларида ишладим. Мана шу ўзим яшаётган жамоа ҳўжалигида ҳам раҳбар бўлдим. Молу давлатга ружу қўймадим. Ота-онамдан олган тарбиямиз фарзандларга ҳам юққан. "Инсоннинг меҳнатдан тўхтаган қуни кўн эмас" деган ақидаданман. Менимча, ҳақиқий ватанпарварлик ҳам шу...

Улар қармоғига илинган мусофирларнинг фуқаролик паспортлари ва ҳатто эғнидаги либосларини ечиб олиб, аёвсиз ишларат, бўйин товлаша улеси қилиб калтаклашар-миш. Шўрлик биродарим бир амаллаб жони олиб қочиб, йўлда не кўргуликларни кўриб, касалманд, абгор бир алфозда юрти-га қайтиб келибди. Савдойларча уятни ҳам йиғиштириб қўйиб дуч келган таниш-били-шига бошидан ўтган азобларни сўйлаб, хўн-хўн йиғлаб, юрт тупроғини ўлармиш. Бу га-ларга ишониб-ишонмай юрган кўнларимнинг бирда унинг ўзини учратиб қолдим. Аф-тангориға боқиб, аштанларим ростилиға амин бўлдим. Аввалги сўқу салобатидан асар ҳам қолмаган танишимнинг тим қора соч-лари буткул оқариб кетган. Забардаст елка-лар гуё майиб парранданинг қанотлари ян-гли шалвираб қолган. Овозлари хаста. Опа-ука тутинган аёлға нисбатан даво кўзгата-нини, жинот сўди у кўрган жабр-ситам са-бабли фарибгар аёлға қисқа муддатли жазо тайинлагани-ю хен қанча вақт ўтмасдан озо-дликка чиқиб кетганини айтди. Эндиликда фу-қаролик судига ариза берибди. Адвокатни ўн-га етказилган маънавий ва бошқа зарарлари тўрт миллион сўм деб ҳисоблабди. Қўлида-ги тиббий маълумотномада эса, унинг мусо-фирликдаги ҳўрликли тўфайли ортирган бир талай сурункали касалликлар билан из-тироқ чекаётганлиги баён этилганди. Қизик, ундириб олинишни-ку дарғумон, борди-ю ундириб олганда ҳам бир тугун пул йўқоти-лган соғлиқ ўрнини қоплай олармикан?

— Нега ҳўжайининг сени ўғриға чиқарди, ёмон ишлаганимдиган?
— Йўқ! Қўшни маҳалладан иссиқхона эга-си олтиш минг сўм ойлик бермоқчилигини айтиб, кетишга рухсат сўрагандим. Содда эканман. "Отам касал бўлиб қолди", деб баҳона тўқисам бўлар экан. Бойотамиз на-моҳон одам эди. Жума намозларини ҳам қанда қилмас эди. Биз уни имон-эртиқодли одам деб ишонган эдик. Тўхмат қилиб, қирқ беш минг сўм меҳнат ҳажимини бермади. Охи-ратда жавобини берар, ахир...
Сира тушунолмайман, қирқ минг сўм ой-лик меҳнат ҳажининг бир қисми ёиши-ичишга кетса, йўл ҳақи-ю ётоқ пули чегириб таш-ланса, бу йигитлар ўз уйдан салкам минг қачирим олисда сарғардон бўлиб қандай наф қўришпти? Мақолаими бошида номи тилга олинган Нурмат бобо Алибоев билан бу йи-гитларнинг "ит ётиш мирза туриши" қабили-да ўтказётган ёшлик даврини муқоаса қилиб кўринг-чи? Икки-уч бор вуқудиде жарроҳ-лик амалиёти ўтказилган, ёши етмишдан ошган мўйсифид, харидорлар талашиб олиб кетаётган кўчатларини дархат қоралари-да ва шунга ўхшаш томорқанинг экин экилмайдиған "ортиқча" ерларида етиштир-моқда. Шундай имконияти, бола-чақани кимсасиз ташлаб, мусофирликни ихтиёр эт-ган ёшларга нима дейиш мумкин?
Бекорчилар ва танбалларни ёзғириб тан-қид қилаётган бир мен эмасман. Бу ҳақда кўп ва хўп ёзилди. Аммо тан олмақ жоизки, ҳатто водийлик ҳамюртларимизнинг ярчи-чал ҳам Сурухон тупроғини қадрлай олаёт-ганим йўқ. Яқинда онаси қазо қилган бир ҳимматдор журналистига таъзияға бордим. Таниш маҳалла, таниш манзил. Бироқ ҳай-ҳотдек ҳовлидан файз-барокат учиб кетган. Бева қампир ҳаётлиғида ушбу манзил, ҳатто бош соҳибни тирикларнинг ҳовлисида-да қўрқам ва обод эди. Ошнамнинг ўттиз со-тихдан зиёдроқ томорқасида дархатлар қуриган, дархатлар ораллиғини ва экин эки-ладиган пайкални ажриқ босиб кетган. Журманнинг ақиси бошқа жойдан томорқа олиб кўчиб кетганлиги боис қурилишга иш-латаман деб отамерос унинг бир қисмини бўзиб ёғоч, дараза ва эшик ромларини кўп-роқ олиб кетган. Томи очик қолган қолде-вор эса таҳрирланган гарибдек мунгайиб ту-рарди.

Учрашув

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фаргона вилояти бўлими ташаббуси билан уюштирилган бир гуруҳ водий ижодкорларининг Хоразмга таширфи ал-Хоразмий ва ал-Беруний боғларига қадам ранжи-да қилишдан бошланди.

ФАРГОНА ЖУРНАЛИСТЛАРИ ХОРАЗМДА

Шундан сўнг меҳмонларни вилоят ҳўкимининг биринчи ўринбосари Ботир Раҳимов қабул қилди. У йигилган бар-ча қалам аҳлини кўнча диёрға таширфи билан қадридди.
"Хоразм ҳўқиқати", "Хоразм-ская правда" таҳририятларида, Хоразм телевидениесида бўлиб ўтган Узаро мулоқотлар, қизгин фикр олишувлар ҳар икала вилоят ижодкорлари унун фойдалани бўлди. Шу қуни "Хоразм ҳўқиқати" ва "Фаргона ҳўқиқати" газеталарининг қўшма сони чиқарилди.
Меҳмонларнинг қадимий шаҳар — Хивага таширфи яна-да қизқарли ва таассуротлар-га бой бўлди. "Хива — Карпет" қўшма корхонасида янги тўқилган гўлдор гилам устида жамоа ишчи қизлари билан водийлик шонира ва журналистлар Марҳабоб Қари-мова, Матлубохон Абдураҳимо-нова, Хадича Каримова, Зўк-ра опаларнинг сўхбатлари қизин тус олди. Уз-ўзидан муқоира бўлди.
Узининг ўн асрлик юбилейи тантаналарига қизин тайёрларлик қўраётган Хо-разм Маълум академиясини олимлари билан бўлган му-лоқотлар, "Ичон қалъа" му-зей қуриқонасининг тарихий ва маданий ёдгорликлари вилоят ҳўкимининг биринчи ўринбосари Ботир Раҳимов қабул қилди. У йигилган бар-ча қалам аҳлини кўнча диёрға таширфи билан қадридди.
Хива тумани ҳўқими Д. Ал-лақулиев водийлик ижод аҳлиға самимий истак изҳор қилди. У з б е к и с т о н Журналистлари ижодий уюш-масининг Фаргона вилоят бўлимиға туман ҳўқимлиги-нинг фахрий ёрлиғи ва аста-лик совғасини топширди.
Мустиқилликнинг 15 йил-лиғи, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиғи ҳамда Хоразм Маълум академиясининг 1000 йиллиғига бағишлаб, "Хива тонги" ва "Марғилон ҳўқиқати" газеталарининг қўшма сони чиқарилишиға келишиб олинди.
Маълумки, хоразмлик ижодкорлар шў йилнинг апрель ойида Фаргона вилоят-тида бўлиб, ҳамкасбларининг фаолияти билан танишиб қайтган эдилар.
Бундай таширфирлар, учра-шувлар икала вилоят қалам-кашларининг Узаро ижодий ҳамкорлигини янада мустаҳ-камлашда муҳим аҳамият касб этиши, шўбҳасиз.
Ш. МАШАРИПОВ,
"Хива тонги" газетаси муҳаррири

Жавоб

Газетада чоп этилган ушбу мақола компания раҳбариятида атрофлича ўрғаниб чиқилди. Бизнинг фикримизча, мақолада эл кўнлидаги худда муҳим ва ҳаққоний гаплар ёзилган.

АВТОБУС АЛЛАҚАЧОН ҚЎЙИЛИШИ КЕРАК ЭДИ...

(«Водийга автобус қўйиш вақти келди». З. Исомиддинов. 2006 йил 19 июль)

Фаргона водийсини Тошкент шаҳри ва мамлакатимизнинг бошқа вилоят-лари билан боғлайдиган Қамчиқ до-воднида жамоат транспорти — автобуслар қатновини йўлга қўйиш-қўймаслик ма-саласи муҳокама этилиши манфаат-дор маҳкамалар томонидан халқаро аҳамиятга эга бўлган «Тошкент — Ўш» автобуси йўлининг ер ости тунеллари қуриб фойдаланишга топширилган — 2000 йилдан буён давом этиб келмоқда.
Мақоладаги барча мулоҳаза ва таклифлар тўғри деб ҳисоб-лаймиз. Муаллифининг фикри ва мулоҳазаларига ҳеч қандай эътирозимиз йўқ. Йўл мутахассислари мазкур йўлдан алла-қачон автобус қатнови йўлга қўйилиши керак эди, деб ҳисоб-лайди.

Н. ШОСАИДОВ,
«Узавтоўл» Ўзбекистон автобуси йўлларини қуриш ва фойдаланиш давлат акционерлик компанияси бошқарув раисининг ўринбосари

Воқеа

ОТАНГА БОР ОНАНГА

ноиложликдан топилган мақол ёхуд ҳаммаизга хос бўлган бир «хусусият»
ҳақида
Худоберида оилада ётиб фарзанд эҳ, бу ўғил дунёга келгучи Маҳмуд-жон ва Бариниоллар не қўйларга ту-шишмади. Ўқимор отага оқ чироқ, Қўнқор отага қўч чироқ ёқибди, Яратилганлар уларига фарзанд ти-лашди. Худоба айтагани бор экан, ун йил десанда ўғиллик бўлади.
Ҳаши-наш дегучи Худоберида мак-табга бориб ўқиш бошлади. Эртадан кенгачи китоб ўқигани ўқидан. Ба-вонда онаси ўғилнинг бу аҳвалини кўриб:
— Балам, кўнча қизиқ ўртоқла-ринг билан бироз ўйнаб келмайсан-ми? — деса, хўн десандай бош қимир-латиб қўнди-да, яна китоб ўқишга беришиб кетди.
Бугун ҳам ҳар кўнундай у дафт-рага нимадирнинг ёзар, еҳида те-пага қараб ўйлаб қоларди. Охири ўқийди ўқига ётмади, иккилик:
— Ойи, ўзбек халқ мақолларидан билмайсанми? — деса қўнқорай сўра-ди.
Бариниол бу вақтда ҳамир қилар — жон қараб қўйишда ҳамини жон жаҳди билан муштарфи:
— Балам, ҳозир бошимни ортир-маган. Бор, отанга бора.
Бола истамасини отасининг га-дида чиқди. Маҳмуджон эса қирадан тушсан пилларини мўнтақларидан қўқитибди, беришиб санаётган эди.
Бундай вақтда унинг ҳамма нар-қалари ёшиб кетди.
— Дада, ҳў дада, ўзбек халқ ма-қолларидан билмайсанми?
Унинг қирагани сезмай қолган ота бўла-чўқ кетганидан сакраб тушиб-ди:
— Нима дедсан? Мақол дейсан-ми? Бор-э, ҳозир сенинг маи-машанг етмай турганида. Бор отанга.
Худоберида ота-онасини бундай муоамаласиға қўнқиб кетган. У яна иттиқорлик билан онаси ҳамир қилаётган хонага қайтиб-ди, алла-маҳалга қайси бир мақолни ёиши-ни билмай бош қўтди.
Ноилож қолган бола дафтрасиға: «Отанга бор, отанга бор» деб ёиб қўй қолди.
Анваржон ҲАЛИМОВ

Хушxabар

Алишер Навоий ижодининг гулгожи «Хамса» асарининг матбаачилигимиз томонидан амалга оширилган энг сўнгги наشري яқинда Москва шаҳрида бўлиб ўтган халқаро китоб ярмаркасида энг яхши китоб сифатида эътироф этилиб, биринчи ўрин-ни олди.

ШУНДАН СЎНГ МЕҲМОНЛАРНИ ВИЛОЯТ ҲЎКИМИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ БОТИР РАҲИМОВ ҚАБУЛ ҚИЛДИ. У ЙИГИЛГАН БАР-ЧА ҚАЛАМ АҲЛИНИ КЎНЧА ДИЁРҒА ТАШИРФИ БИЛАН ҚАДРИДИ.
Хоразм телевидениесида бўлиб ўтган Узаро мулоқотлар, қизгин фикр олишувлар ҳар икала вилоят ижодкорлари унун фойдалани бўлди. Шу қуни «Хоразм ҳўқиқати» ва «Фаргона ҳўқиқати» газеталарининг қўшма сони чиқарилди.
Меҳмонларнинг қадимий шаҳар — Хивага таширфи яна-да қизқарли ва таассуротлар-га бой бўлди. «Хива — Карпет» қўшма корхонасида янги тўқилган гўлдор гилам устида жамоа ишчи қизлари билан водийлик шонира ва журналистлар Марҳабоб Қари-мова, Матлубохон Абдураҳимо-нова, Хадича Каримова, Зўк-ра опаларнинг сўхбатлари қизин тус олди. Уз-ўзидан муқоира бўлди.
Узининг ўн асрлик юбилейи тантаналарига қизин тайёрларлик қўраётган Хо-разм Маълум академиясини олимлари билан бўлган му-лоқотлар, «Ичон қалъа» му-зей қуриқонасининг тарихий ва маданий ёдгорликлари вилоят ҳўкимининг биринчи ўринбосари Ботир Раҳимов қабул қилди. У йигилган бар-ча қалам аҳлини кўнча диёрға таширфи билан қадридди.
Хива тумани ҳўқими Д. Ал-лақулиев водийлик ижод аҳлиға самимий истак изҳор қилди. У з б е к и с т о н Журналистлари ижодий уюш-масининг Фаргона вилоят бўлимиға туман ҳўқимлиги-нинг фахрий ёрлиғи ва аста-лик совғасини топширди.
Мустиқилликнинг 15 йил-лиғи, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиғи ҳамда Хоразм Маълум академиясининг 1000 йиллиғига бағишлаб, «Хива тонги» ва «Марғилон ҳўқиқати» газеталарининг қўшма сони чиқарилишиға келишиб олинди.
Маълумки, хоразмлик ижодкорлар шў йилнинг апрель ойида Фаргона вилоят-тида бўлиб, ҳамкасбларининг фаолияти билан танишиб қайтган эдилар.
Бундай таширфирлар, учра-шувлар икала вилоят қалам-кашларининг Узаро ижодий ҳамкорлигини янада мустаҳ-камлашда муҳим аҳамият касб этиши, шўбҳасиз.
Ш. МАШАРИПОВ,
"Хива тонги" газетаси муҳаррири



Мулоқот

РЕКЛАМА — МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЭҲТИЁЖ

Кино, спорт кўрсатувлари ораллиғида реклама шу қадар кўпайиб кетдики, истасак-истамасак унга қўнқиялигимиз. Фойдаси бордирки, деярли барча юридик субъектлар унга катта маблағ ажратишпти. Реклама қилинаётган маҳсулот ёки хизмат турига интилаётганлар ҳам кам эмас.
Ривожланган мамлакатларда бу соҳа нафақат манфаат воситаси, балки санъ-ат, илим, санъат даражасига кўтаришган. Ҳўш, бизда-чи? Рекламининг ҳуқуқий асослари қандай? Уни тўғри уюштиришимиз? Аҳолининг муносабати қай дара-жада?
Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Самар-қанд вилоят бошқармаси бўлими бошлиғи Абдуғани САИДОВ ҳамда Самарқанд давлат университетини педагогика-психология кафедраси катта ўқитувчиси Мух-тасар СУЛАЙМОНОВ билан сўхбатимиз ана шу мавзуга бағишланган.
А.С.: — Аслида реклама жараёни уч томон, яъни ре-клама берувчи, уни тарқатув-чи ва ундан фойдаланувчи субъектлар манфаатини қўллаши лозим. Рекламачи-лар ўртасида рақобат юзага келган пайтда унга ижод маҳсули сифатида ҳам қара-япти.
1998 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида» қонуни қабул қилинган. Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида 2000 йилда Вазиirlар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди. Қонуни ва қарор ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбир-корликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси зиммасига юқилди. Қўнқиб турибди-ки, рекламага давлат сўбса-ти даражасида қаралмақда. Чўнки бозор муносабатлари шароитида маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва янги-янги хизмат турлари пайдо бўлмоқда. Уларнинг эса ра-қобатга, хусусан, рекламага эҳтиёж ҳам тобора ортиб бормоқда. Чиқараётган мол-маҳсулотларини кўз-қўз, яъни реклама қилмасдан ҳаминда ўз ўрнини топши, ха-ридорига эга бўлиш ҳозирги кўнда қийин бўлиб бормо-қда.
— Реклама қайси йўллар билан тарқалади?
А.С.: — Матбуот ва ом-мавий ахборот воситалари орқали. Чўнки булар инсон онгига тез кириб боради. Ай-ниқса, телевидение орқали бериладиган рекламалар-нинг таъсири ҳам кўнча катта. Газеталарни ҳам жуда кўнчи-лик ўқийди. Ҳаттоки, илмий-оммабоп журналларга ре-кла-

Самарқанддаги нон сотиш билан водийда-гиси қандай фарқ қилади?
ма берилмапти? Шу нарсаға мўлжалланган маҳсул-ас наршлар пайдо бўлди?
Булардан ташқари ре-клама воситалари ҳам маҳжуд. Мен кўчаларда, аҳоли гавжум жойлардаги панноларни на-зарда тутайман.
Биз уларнинг амалдаги қонун-қоидага тўғри келиш-келмаслигини, мазмуни, шакл-шамойилини назорат қилишни мониторинг тарзда ўрганиб борамиз.
— Кўчаларда илиб қўйилган айрим паннолар-даги рекламаларда беҳаё суратларга, қўпол сўзлар-га қўнқиз тушади. Пул тўлаган одам истаган нар-сани кўчиликка намойиш қилиши мумкинми?
А.С.: — Йўқ. Эълон қили-надиган ҳар қандай реклама қонун талабларига жавоб бе-риши лозим. Пул тўлаган ҳам. Биз уларни қонун дои-расида назорат қилаемиз. Агар рекламаларда беҳаё лавха-лар бўлса, парнографияни тарқатишга қиради. Порно-графияни тарқатиш эса қонун

Шахмат турнири марҳамат!

ШУ ЙИЛНИНГ 20 АВГУСТ — ЯҚШАН-БА ҚУНИ БУСТОНЛИК ТУМАННИНГ ЧОР-БОГ ХУДУДИДА ЖОЙЛАШГАН «ЕЗУВИ» ДАЛАБОГИДА ИЖОДКОРЛАР ЎРТАСИДА НАВБАТДАГИ БЕШИНЧИ АНЪАНАВИЙ шахмат турнири ўтказилди.
Устоз Озод Шарафиддинов хо-тирасига бағишланган ушбу тадбир-

Отабек Жўрабоев

да иштирок этишни истаган бар-ча ижодкорлар таклиф этилади.
Сизни 20 август қуни эрта-лаб соат 7.00 дан 7.30 гача «Буёқ нуқад йўли» бекатида «Чорбоғ шахмат турнири» ёзуви махсус автобуслар ку-тади.
Ташкилий қўмита

Суҳбат

Озода НУРСАЙДОВА: "ЙЎҚОТГАНЛАРИМДАН ТОПГАНЛАРИМ КЎП"

Истеъдодли санъаткор Озода Нурсайдованинг "Халқлар дўстлиги" саройидаги 13 кунлик концерт дастури файзли ва мазмунли ўтди. Айрим санъаткорлар бир кунлик концертга зални тўлдиролмай, ўтмаган билетларни ошна-оғайнисю таниш-билишларини ишга солиб мажбурлаб сотаётган бир пайтда салкам икки ҳафталик концерт дастурининг томошабинлар билан бу қадар гавжум бўлгани, боз устига, айрим мухлисларга жой ҳам етмай қолгани санъат мухбирлари Озода Нурсайдова истеъдодига юксак баҳо беришдан далолат.



Хонанда билан суҳбат қилишга кўп бор уриндик. Озода Нурсайдова бир қарасангиз, Ҳиндистонда концерт бераётган бўлади, яна бир суриштирсангиз, Туркияга клип ишлаш учун кетган бўлади. Хуллас, вақти-соати бугунга белгиланган экан. Ниҳоят, санъаткоримиз билан суҳбатлашишга муваффақ бўлдик.

— "Барака ёғилган, бағри кенг-дир Тошкани" кўшигининг концертингизда томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Суҳбатимиз аввалида ана шу кўшигингиз иррадиация ҳақида тўхталсангиз...

да куйлаганда, бошқа миллат юртдошларимиз ҳам кўшиқларимиздан баҳраманд бўлишларини мақсад қилдик.

— Концерт дастури "Panterra" студияси билан ҳамкорликда қилдик ва очигини айтсам, ташкилий масалаларга аралашмадим ҳам. Тўғри, билет кўлда қиммат бўлиши мумкин. Узингиз биласиз, билет олибсотарга тушгандан кейин нарх ҳам ошиб кетарди. Лекин мени бунга алоқам йўқ.

— Ҳар қандай мусиқа ёки кўшиқда миллат руҳи муҳасам бўлади. Аслида санъатнинг жозибаси ва қиммати ҳам шунда бўлса керак. Лекин замонавий эстрадада миллат руҳи тобора заифлашиб бораётгандай. Бунинг сабаби нимада деб ўйласиз?

— Чет элда куйлаганимизда, чет эллик мухлислар кўшигимиз таржимасини сўрашади. Хорижий тилларда куйлаган кўшиқларимни тиллаганлар таржимонга эҳтиёж сезмайди.

— Бунинг ўзбэк эстрадасида миллий руҳингиз заифлашиб кетаётганига бошқа миллат санъатидан ижодий ўрганишда меъёرنинг унутилаётгани сабаб бўлмоқда, назаримда. Мана масалан, грек мусиқаси турли миллат санъатининг уйғунлиги, хориж кўшиқчилиги таъсири остида шаклланиши билан ажралиб туради. Мен аслида ўзбек санъати ҳам грекларники каби аралаш бўлиб кетишидан қўрқаман.

— Айрим мухлислар концертингизга билет нархи қиммат бўлганини айтишди...

— Миллий эстрада, сизнингча, қандай бўлиши керак?

— Миллий эстрада қандай бўлиши керак деган саволга Ботир Зокиров ўз ижоди билан жавоб берган эди. Бундан бугунга жавоб берадиган одам топилаётган. Ҳамма ҳаракатда, ижодий изланишда юрибди, лекин аниқ бир санъаткор ижодини миллий эстрада намунаси сифатида мисол қилиб айтиш қийин.

— Кўшиқчилигимизда энг оғир "касаллик" нима?

— Кўшиқчилигимизда профессионал бўлмаган тасодифий инсонларнинг кўпайиб кетаётгани, юлдузлик касалига жуда эрта чалинган ва саводсиз кўшиқчиларнинг кўпайиб бораётгани, айрим санъаткорларнинг уй-жой, мол-дунёга ҳаддан зиёд қизиқиши, ўзига жуда катта баҳо бериши, ҳаттоки қорани оқ, оқни қора дейиши энг оғир "касаллик", назаримда. Афсуски, аксарият кўшиқчиларимизда билим, савод етишмаслиги катта муаммоларга олиб келмоқда.

— Санъат даргоҳига кириб йўқотган ва топганларингиз?

— Санъатга кириб ҳаловат йўқотдим. Дўстларимдан айрилдим. Вақтдан бой бердим. Орттирганларим эса кўшиқ, алам, қувонч, бахт ва халқ меҳри бўлди. Уйлаб қарасам, санъат йўлига кириб, йўқотганларимдан топганларим кўпроқ экан. Кўшиқчиликим талланганидан афсусланмайман. Барибир бахтиёрман.

— С. КАМОЛОВ, Ж. ҲАМРОЕВ суҳбатлашди

— Бугунги кунда зиёвлар даврасида бот-бот ташвиш билан

Салбий омиллар жуда кўп. Ҳафа бўлишмасин-у, бугун бозорда тижорат қилаётганлар ҳам ашула айта бошлади. Мен улар устидан қулқоқчи эмасман. Лекин бугунги кунда кўпайиб кетяпти-да. Менимча, ҳамма ўз ишини қилгани яхши.

— Қолаверса, эндигина ўсиб келаятган ёш хонандаларнинг тарбияси бузадиган санъаткорларимиз ҳам йўқ эмас. Умуман, охириги пайтларда санъаткорларимиз орасида тарбия берадиганлари камайиб кетди.

— Бугунги кунда зиёвлар даврасида бот-бот ташвиш билан

Алданиб қолган бола — Кайфи ошган пиёла.



Жаҳонгир МИРЗО чизган

Мавсум

ЁЗДА ҒУБОРИНГНИ ЁЗ!

Табиатнинг гўзал гўшаларида дам олишни хоҳловчилар йилдан-йилга ортиб бормоқда

Ўлкамиздаги кўплаб оромгоҳларда юртдошларимиз эҳтиёжларини қондириш учун хизматлар замонавий талаблар асосида ташкил қилинаётган. Бунинг учун малакали ходимлар асқотмоқда.

Бахтиёр Азимов Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтини тугатиб, тўғри шу ерга ишга келган эди. Шунга ҳам 18 йил бўлибди. Бунинг кунда Шаҳрисабз туманидаги «Мироки санаторияси» масъулияти чекланган жамиятнинг

TRON BANK AKCIYADORLIK TIJORAT TURON BANK Travelex pul ўтказмалари хизмат турини таклиф этади!!! Ушбу хизмат тури орқали маблағингиз ва вақтингиз тежалади ҳамда куйидаги имкониятларга эга бўласиз: пул жўнатганингиз ёки пул олганлигингиз тўғрисидаги ахборот сир сақланади; тегишли ўзига хос рақамга эга бўлишингиз билан пул олувчи ўтказилган маблағни олишга ҳақли бўлади; жўнатилаётган пул билан бирга, қўшимча зарур маълумот ҳам киритиш мумкин. Бундай хизмат учун ҳақ олинмайди; Пул ўтказилишига фақат жўнатувчигина хизмат ҳақи тўлайди. Пул олувчидан ҳеч қандай қўшимча маблағ талаб қилинмайди. Қўшимча маълумот учун телефонлар: +(8 371)144-29-89, 144-25-64 Турон банк Сиз билан, Сиз учун!

HURRIYAT Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Тахририй манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-й. Тел-факс: 142-49-91. Тел: 135-39-01, 142-62-72

Бош муҳаррир ва ифосини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ Тахрир хайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Раҳмон ҚУЧҚОР, Шерзод ҒУЛОМОВ Индекс: Яққа обуначилар ва ташкилотлар учун — 233 Газетада чоп этилган мақолалардаги фактлар учун муаллиф жавобгар

Хажв

ЯНГИЛИК БОРАСИДА ЯНГИЛИК

Одамлар янгиликдан ҳам безиб кетишди. Ҳар сонияда янгилик кашф қилинаётганидан кейин, шу-да! Ахир айтадилар-ку, "Агар бисёр бўлса, бол ҳам беқадр", дея.

Умуман олганда, мавзумиз бу ҳақда эмас. Бизни журналистикадаги "янгилик" атамаслиқ қизиқтиради. Хўш, янгиликнинг қанақа турларини биласиз?

—Эҳром (асосий гап охирида берилди), тўнқарилган эҳром (асосий гап бошида берилди)...

—Бу иккаласини мисрликлар уйлаб топган бўлса керак. Нега энди биз яратмас эканмиз?! Ахир биринчи журналист биздан чиққан-ку! (Зардуштни назарда тутяпман). Мана шундай изтироблар чангалида уйлаб қарасам, "янгилик" борасида янгилик чиқиб қолди. "Янгилик"нинг бу янги турини "ўзбекча янгилик" дейиш мумкин. Замонавийроқ, илмийроқ қилиб айтсак, "янгиликнинг ўзбек модели".

—Уфф! Энди буням ўрганиш керакми?!" деб уйламанг. Ўзбекча янгилик ёзиш сизга унчалик боғлиқ эмас. Бу иш билан муҳаррирлар шугулланишади. Сиз хабарчани хоҳлагандай ёзишингиз мумкин. Барибир муҳаррир ўз қоллигига солиб олади.

Материалингиз почта қутисига тушиши билан ўзига хос "савҳатнома"си бошланади. Манзилга етиб боргач, "Хатлар бўлими" тиришқоқлик билан янгиликча чанг боштиришга ҳаракат қилади. Кейин чангдан тозалаш учун муҳаррирга беради. Бош муҳаррир энди катта одам, вақти бўлиши мумкин, бўлмаслиги мумкин. Тўй мавсуми бўлса, Ҳудо урди деяверинг. Шундай қилиб, янгилик бош муҳаррирдан ўтса, бўлим муҳарририга тушади. У ҳам кичкина одам эмас, балки бугун кайфияти йўқдир. Балки кеча хотини билан гижиллашиб қолгандир. Кейинги бейкат "Котибият" Масъул котиб ишни қўймайди.

Фақат янгилигингиз материалларнинг энг тагига тушиб қолмаса ёки чиқинди челака адашибми, ҳазиллашибми ташлаб юборилмаса, албатта, дунё юзини кўради. Агар "Палончи Пистончиев ноҳж қамалибдир", деб ёзган бўлсангиз, материал газетга чиққанда уша одам ҳам қамқондан чиққан бўлади. Кейин тахририят "Мақолалар изидан" руқни остида "Адолат қарор топди. Ҳақиқатни тикладик", деб бонг уради. "Қишлоғимизда газ қамайиб кетди", деб қишда ёзган бўлсангиз-у, материалингиз келаси қишга қолиб кетмаса, кузга бориб маъсул шахслардан "Ёзда газ нима керак?" деган жавоб хати оласиз.

Мабодо сиз тамонларда 98-99 ёшлардаги кексалар бўлса, бемалол 100 ёшда деб ёзаверинг. Барибир газета чиққунча уша одам 100 дан ошиб ҳам кетади. Лекин мақола қаҳрамонидан "Газета чиққунча ашайман", деган мазмунда тилхат олиб қўйишингиз керак.

Кўрдингизми, мана шунини "Янгиликнинг ўзбек модели" дейдилар. Энди тушунгандирсиз, ўзбек журналистлари нега доим мактаб, ошириб, тошириб ёзишми...

Бирор корхонани танқид қилиб ёзсангиз, мақола чиққунча аҳоли яхшиланиб кетса... Бунинг ҳам жавобгарлиги бор. Шунинг учун бира тўла мактаб ёзавериш керак. Масалан, "Аломат туманида 34 та мактаб қайта таъмирланди", деб ахборот ёзишади. Ваҳоланки, ҳали 4 та мактаб ҳам таъмирланмаган бўлади. Айб журналистда эмас, албатта. Замон тезкорликни талаб қиляпти. Муаллиф материални газета юзини қўргунча тумандаги таъмирланган мактаблар сонини 34 тага етиб қилишига умид қилади-да! Уйлайди, ўзинча фараз қилади. Бу яхши-ку! Кўп ўтмай "ба-шоратлар журналистикаси"ни яратишимиз мумкин. Ахир журналист оммадан бир қадам олдинда юриши керак.

Ҳар бир соҳада ўзига хос йўлимиз бўлганидек, журналистикада ҳам ўзбек модели яратиб қўйилган. Дунё бизни билмайди-да! Билганида борми, аниқ "Нобель"-подел берган бўларди. Ахир улар ҳам муқофотни бўлишиб олавериб зерикиб кетишди.

ЖИЗЗАКИЙ Сарвар ХУРРАМОВ

Хажв

ЯНГИЛИК БОРАСИДА ЯНГИЛИК

ган бўлсангиз, материал газетга чиққанда уша одам ҳам қамқондан чиққан бўлади. Кейин тахририят "Мақолалар изидан" руқни остида "Адолат қарор топди. Ҳақиқатни тикладик", деб бонг уради. "Қишлоғимизда газ қамайиб кетди", деб қишда ёзган бўлсангиз-у, материалингиз келаси қишга қолиб кетмаса, кузга бориб маъсул шахслардан "Ёзда газ нима керак?" деган жавоб хати оласиз.

Мабодо сиз тамонларда 98-99 ёшлардаги кексалар бўлса, бемалол 100 ёшда деб ёзаверинг. Барибир газета чиққунча уша одам 100 дан ошиб ҳам кетади. Лекин мақола қаҳрамонидан "Газета чиққунча ашайман", деган мазмунда тилхат олиб қўйишингиз керак.

Кўрдингизми, мана шунини "Янгиликнинг ўзбек модели" дейдилар. Энди тушунгандирсиз, ўзбек журналистлари нега доим мактаб, ошириб, тошириб ёзишми...

Бирор корхонани танқид қилиб ёзсангиз, мақола чиққунча аҳоли яхшиланиб кетса... Бунинг ҳам жавобгарлиги бор. Шунинг учун бира тўла мактаб ёзавериш керак. Масалан, "Аломат туманида 34 та мактаб қайта таъмирланди", деб ахборот ёзишади. Ваҳоланки, ҳали 4 та мактаб ҳам таъмирланмаган бўлади. Айб журналистда эмас, албатта. Замон тезкорликни талаб қиляпти. Муаллиф материални газета юзини қўргунча тумандаги таъмирланган мактаблар сонини 34 тага етиб қилишига умид қилади-да! Уйлайди, ўзинча фараз қилади. Бу яхши-ку! Кўп ўтмай "ба-шоратлар журналистикаси"ни яратишимиз мумкин. Ахир журналист оммадан бир қадам олдинда юриши керак.

Ҳар бир соҳада ўзига хос йўлимиз бўлганидек, журналистикада ҳам ўзбек модели яратиб қўйилган. Дунё бизни билмайди-да! Билганида борми, аниқ "Нобель"-подел берган бўларди. Ахир улар ҳам муқофотни бўлишиб олавериб зерикиб кетишди.

ЖИЗЗАКИЙ Сарвар ХУРРАМОВ

Танишув

Юрагимдан бошқа жойга сиймаяпман

Томоқларим қуриб кетди — чўллаяпман, Ўзи, дилим қай қўлмақда ҳўллаяпман. Мен бу галги баҳорни лол этмоқчийдим, Она, бугун сочингизда гуллаяпман.

Ишонгандим, кўзлар мени сотиб кетди, Аямда — сўзлар мени отиб кетди. Дардим бор-ку, нега бунча дуудқандим, Забонимни тутиқушлар ютиб кетди.

Юзларимда муҳаббатнинг сўқмоқлари, Юрагимдан бошқа жойга сиймаяпман. Дунроқ эдим, тупроқларга ботиб кетдим, Гуноҳларим ўсапти, гуноҳларим.

Тутаб-тутаб кўк бағрини тиглаяпман, Юрагимдан бошқа жойга сиймаяпман. Кўксимдаги оғриқларим ёлғонимди, Осмонларни йиғлатолмай йиғлаяпман.

Она, менга нима бўлди?!

Ўт ичида яшаш осонми, Жоним, Неҳқисиз? Жонингиз омонми, Жоним? Айриб қўйишди йўлларимизни, Одамлар шунчалик ёмонми, Жоним?

Кўнгилингиз юртидан кетиб бўлмайди. Синовсиз манзилга етиб бўлмайди. Ахир, муҳаббатнинг кўчаларидан Юракка тош солиб ўтиб бўлмайди.

Ер, Само биз билан, қисинмайдилар, Уткинчи қуларга бўйсунмайдилар. Тушуниб турибди Ҳудойим бизни, Нега баңдалари тушунмайдилар?!

Одамлар шунчалик ёмонми, Жоним...

Қачонлардир мен ҳам Одам бўлганман, Қачонлардир мен ҳам фаришта эдим. Шу пайтгача ҳаво сўраб келганман, Бугун ҳузурингга Нур сўраб келдим.

Нимага ўзингга хушёр эмасман, Қара, лаҳзаларим бормоқда синиб. Наҳот, ёрилишга тайёр эмасман, Наҳот, яшайвериш керак ҳўрсиниб?!

Нурлар тушмайдиган жойда қолганман, Яна Ойга қарат, Қўёшга қарат. Тўқилиб бўлганман, тутаб бўлганман, Мени тупроққа сол — қайтадан ярат.

Хажв

ЯНГИЛИК БОРАСИДА ЯНГИЛИК

нуфузи тобора ортиб борапти. Муваффақият тасодиф эмас. Оромгоҳдаги шарт-шароитлар таширф бюрувчиларга маъқул бўлмоқда.

Суратда: директор ўринбосари Б. Азимов ходимлар билан навбатдаги юмушлар борасида маслаҳатлашмоқда.

А. САМИ олган сурат

Хажв

ЯНГИЛИК БОРАСИДА ЯНГИЛИК

ган бўлсангиз, материал газетга чиққанда уша одам ҳам қамқондан чиққан бўлади. Кейин тахририят "Мақолалар изидан" руқни остида "Адолат қарор топди. Ҳақиқатни тикладик", деб бонг уради. "Қишлоғимизда газ қамайиб кетди", деб қишда ёзган бўлсангиз-у, материалингиз келаси қишга қолиб кетмаса, кузга бориб маъсул шахслардан "Ёзда газ нима керак?" деган жавоб хати оласиз.

Мабодо сиз тамонларда 98-99 ёшлардаги кексалар бўлса, бемалол 100 ёшда деб ёзаверинг. Барибир газета чиққунча уша одам 100 дан ошиб ҳам кетади. Лекин мақола қаҳрамонидан "Газета чиққунча ашайман", деган мазмунда тилхат олиб қўйишингиз керак.

Кўрдингизми, мана шунини "Янгиликнинг ўзбек модели" дейдилар. Энди тушунгандирсиз, ўзбек журналистлари нега доим мактаб, ошириб, тошириб ёзишми...

Бирор корхонани танқид қилиб ёзсангиз, мақола чиққунча аҳоли яхшиланиб кетса... Бунинг ҳам жавобгарлиги бор. Шунинг учун бира тўла мактаб ёзавериш керак. Масалан, "Аломат туманида 34 та мактаб қайта таъмирланди", деб ахборот ёзишади. Ваҳоланки, ҳали 4 та мактаб ҳам таъмирланмаган бўлади. Айб журналистда эмас, албатта. Замон тезкорликни талаб қиляпти. Муаллиф материални газета юзини қўргунча тумандаги таъмирланган мактаблар сонини 34 тага етиб қилишига умид қилади-да! Уйлайди, ўзинча фараз қилади. Бу яхши-ку! Кўп ўтмай "ба-шоратлар журналистикаси"ни яратишимиз мумкин. Ахир журналист оммадан бир қадам олдинда юриши керак.

Ҳар бир соҳада ўзига хос йўлимиз бўлганидек, журналистикада ҳам ўзбек модели яратиб қўйилган. Дунё бизни билмайди-да! Билганида борми, аниқ "Нобель"-подел берган бўларди. Ахир улар ҳам муқофотни бўлишиб олавериб зерикиб кетишди.

ЖИЗЗАКИЙ Сарвар ХУРРАМОВ

Хажв

ЯНГИЛИК БОРАСИДА ЯНГИЛИК

ган бўлсангиз, материал газетга чиққанда уша одам ҳам қамқондан чиққан бўлади. Кейин тахририят "Мақолалар изидан" руқни остида "Адолат қарор топди. Ҳақиқатни тикладик", деб бонг уради. "Қишлоғимизда газ қамайиб кетди", деб қишда ёзган бўлсангиз-у, материалингиз келаси қишга қолиб кетмаса, кузга бориб маъсул шахслардан "Ёзда газ нима керак?" деган жавоб хати оласиз.

Мабодо сиз тамонларда 98-99 ёшлардаги кексалар бўлса, бемалол 100 ёшда деб ёзаверинг. Барибир газета чиққунча уша одам 100 дан ошиб ҳам кетади. Лекин мақола қаҳрамонидан "Газета чиққунча ашайман", деган мазмунда тилхат олиб қўйишингиз керак.

Кўрдингизми, мана шунини "Янгиликнинг ўзбек модели" дейдилар. Энди тушунгандирсиз, ўзбек журналистлари нега доим мактаб, ошириб, тошириб ёзишми...

Бирор корхонани танқид қилиб ёзсангиз, мақола чиққунча аҳоли яхшиланиб кетса... Бунинг ҳам жавобгарлиги бор. Шунинг учун бира тўла мактаб ёзавериш керак. Масалан, "Аломат туманида 34 та мактаб қайта таъмирланди", деб ахборот ёзишади. Ваҳоланки, ҳали 4 та мактаб ҳам таъмирланмаган бўлади. Айб журналистда эмас, албатта. Замон тезкорликни талаб қиляпти. Муаллиф материални газета юзини қўргунча тумандаги таъмирланган мактаблар сонини 34 тага етиб қилишига умид қилади-да! Уйлайди, ўзинча фараз қилади. Бу яхши-ку! Кўп ўтмай "ба-шоратлар журналистикаси"ни яратишимиз мумкин. Ахир журналист оммадан бир қадам олдинда юриши керак.

Ҳар бир соҳада ўзига хос йўлимиз бўлганидек, журналистикада ҳам ўзбек модели яратиб қўйилган. Дунё бизни билмайди-да! Билганида борми, аниқ "Нобель"-подел берган бўларди. Ахир улар ҳам муқофотни бўлишиб олавериб зерикиб кетишди.

ЖИЗЗАКИЙ Сарвар ХУРРАМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ Индекс: Яққа обуначилар ва ташкилотлар учун — 233 Газетада чоп этилган мақолалардаги фактлар учун муаллиф жавобгар

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ Индекс: Яққа обуначилар ва ташкилотлар учун — 233 Газетада чоп этилган мақолалардаги фактлар учун муаллиф жавобгар

Мушоҳада

• Сабрли бўлишнинг илк синови — айрилиқдир. • Муҳаббатни чидаганга чикарган, дейишади. Буниси алам қилмайди. Гап шундаки, унга ҳеч ким чидай олмайд.

• Инсон орзу билан яшайди. Гарчи у армонга айланса ҳам. Орзусиз инсон ҳеч ким. Гўё япроқ чиқаришдан воз кечган ниҳол.

• Ошиқ ёки маъшуқа севгилисига етишишни орзу қилиб олса, бу амалга ошмайди. Аллоҳ меҳрибон. У баңдаларининг "ҳеч ким" бўлиб қолишига асло йўл қўймади.

• Муҳаббат ааби нима? Тил қалба, қалб эса ақлга бўйсунмайди. Агар қалб ақлнинг буйруғисиз муҳаббатни ҳис этса, тил ҳам қалбга бўйсунмайди. Қалбда қандай жараён кечаётганини ақл билмайди, тил эса билса-да, ташқарига чиқармайди. Оқибатда ўзбошимча қалб ёлғиз азоб тортади. Елғиз...

• Муҳаббат бир умр бирга бўлиш ваъдалари билан бошланади. Яна қайтиб севмасликка қасам ичиш билан ақун топади.

• Бу замонда дўст топиш қийин, дейишади. Йўқ! Йилгарига нодамлар хозир тез ва осон топилади.

• Бу замонда дўстлик топиладими, ҳолос.

• Ер юзида ҳамма бахтли. Кимки бахтсиз бўлса, у бахт нималигини англаб етмаган.

• Аллоҳга ҳамдди, инсонлар ҳаётини ўз ихтиёрларига топширмаган. Агар шундай бўлганда, одамлар яшаш учун муҳим ўрин тутадиган "орзу" тушунчасини йўқотган бўларди.

ЖИЗЗАКИЙ Сарвар ХУРРАМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ Индекс: Яққа обуначилар ва ташкилотлар учун — 233 Газетада чоп этилган мақолалардаги фактлар учун муаллиф жавобгар

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ Индекс: Яққа обуначилар ва ташкилотлар учун — 233 Газетада чоп этилган мақолалардаги фактлар учун муаллиф жавобгар